


Янги масжидда илк жума намози ўқилади



11:44 / 17.05.2019 2504

Маълумки, Тошкент шаҳрида нафақат юртимиз, балки ислом оламида машҳур бўлган, улуғ аллома Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ номларидаги муҳташам жоме масжиди юртимиз мўмин-мусулмонлари учун фойдаланишга топширилди. Айниқса, муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан бунёд этилган ушбу муаззам мажмуа Рамазон ойида халқимизга катта туҳфа бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Азиз юртдошлар, мана бир неча кундан бери янги очилган Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги масжидда таровеҳ намозлари ўқилмоқда. Бугун шу масжидда илк жума намози ўқилади. Жума марузаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан маълум қилинган «**Закот бериш - буюк ибодат!**» мавзусига бағишланади. Жума марузасини ва намозини масжид имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содик ўқиб берадилар. Барча

муслмонларга Рамазон ва жума айёми муборак бўлсин!

Islom.uz портали таҳририяти